

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 21 сентябрь  
сешанба  
№ 38 (1294)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24  
Endi 24 soat o'z bilani

Энг сўнги хабарлар  
Хуқуқий маълумотлар  
Тахлилий мақолалар  
Мурожаатга жавоблар



БЕДАРАК КЕТГАН ОТАГА  
СУДНИНГ СЎНГИ ҚАРОРИ ЎҚИЛДИ 3-БЕТ

ТОВЛАМАЧИНИНГ  
ТАВБАСИ ТАН ОЛИНМАДИ 5-БЕТ

ЎЗ “ХУНАРИ”  
ЎЗ БОШИГА ЕТДИ 5-БЕТ

## ЭРТАНГИ КУНИМИЗ — сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ

ШУ йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Давлатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчилари фаоллиги, сиёсий етуқлигига, сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ. Сайловлар халқнинг тўғридан-тўғри ўз иродасини ифода этишининг қонунаштираш шакли бўлиб, демократиянинг муҳим курашидир. Сайлов орқали фуқаролар давлат ҳокимияти органлари шаклланишига таъсир ўтказди, шу билан ўзларининг давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2-БЕТ

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИДА МУАММО БОРМИ?

АДЛИЯ вазирлигига “Call center” орқали электр энергияси учун қилинган тўлов ҳисобга олинмаётганлиги, электр энергиясини узатувчи мосламаларнинг носозлигига оид мурожаатлар келиб тушмоқда. Шу мавзудаги саволларингизга қуйида жавоб олишингиз мумкин.



МУРОЖААТГА ЖАВОБ

1008

7-БЕТ



## ҚОНУНГА ЗИД ҲОКИМ ҚАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

БОЙСУН туманидаги “Косиблар” маҳалласи ҳудудида яшовчи тадбиркор фуқаро Т.Қўчқоров ва бошқалар ўзларига тегишли савдо дўконлари қонун талабларига зид равишда ва мулкдорларнинг розилигисиз бузилиши ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида кўп қаватли уй-жойлар қуриш режалаштириляётганлигидан норози. Улар бузилиши режалаштириляётган савдо дўконлари жойлашган ер майдонига ўзлари замонавий кўп қаватли савдо дўконлари қуриш учун амалий ёрдам беришни сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилишди.

3-БЕТ

## МАДАД МАДАДКОРИНГИЗ

- ✓ Ногиронлик нафақасини олишингиз мумкин
- ✓ Уй эгасининг розилигисиз рўйхатга киришим мумкинми?
- ✓ Дубликат олишингиз мумкин
- ✓ Хорижга чиқиш паспортини хоҳлаган жойдан олиш мумкинми?
- ✓ 60 ёшга кирганда ёшга доир пенсия оласиз
- ✓ Никоҳдан ажралмай туриб ҳам...

4-БЕТ




Самира САИД-ГАЗИЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги университети мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди

# ЭРТАНГИ КУНИМИЗ —

## сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ



ШУ йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўлиб ўтади. Давлатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчилари фаоллиги, сиёсий етуқлигига, сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ. Сайловлар халқнинг тўғридан-тўғри ўз иродасини ифода этишининг қонунлаштирилган шакли бўлиб, демократиянинг муҳим кўринишидир. Сайлов орқали фуқаролар давлат ҳокимияти органлари шаклланишига таъсир ўтказиши, шу билан ўзларининг давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширади.

Президент деганда, аввало, бутун бир мамлакат, бутун бир давлат тақдирини учун масъул, шу юртда яшайдиган, ҳаёт кечирадиган миллионлаб одамларнинг дунёқарашини, тафаккури, халқнинг энг эзгу орзу-умидларини ўзида мужассам этадиган ва шу интилишларни рўёбга чиқаришга қодир бўлган одамни тушунамиз.

Сайлов ҳалқ ҳокимиятичилигининг муҳим мезони, фуқароларнинг давлат ҳокимиятига доварийлик асосида ўз муносабатини билдиришининг воситаси ҳисобланади.

Сайлов йўли билан фуқароларнинг олиб борилаётган ислохотларга муносабати аниқланади. Сайловлар сиёсий партияларнинг, номзодларнинг сайловда дастурлари ҳаётийлигини, долзарблигини кўрсатиб беради.

Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. Бу галги Президент сайлови илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекистоннинг келгуси тараққийи қандай йўлдан боради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажагини қандай барпо этамиз, деган ҳал қилувчи саволларга жавоб берадиган ғоят муҳим сиёсий тадбирдир. Шунинг учун ушбу сиёсий жараёнга кўп миллатли

халқимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда.

Сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлакат ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Сайлов қонунчилигимизнинг асосий мазмун-моҳиятини қуйидаги 6 та асосий жиҳатда кўришимиз мумкин. Хусусан, Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка халқаро сайлов стандартлари имплементация қилинди.

Маълумки, БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пакт, "Ирқий камситишнинг барча шаклларидаги барҳам бериш ҳақида"ги, "Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларидаги барҳам бериш ҳақида"ги Конвенциялар ва бошқа сайловга оид ҳужжатларда асосан инсоннинг давлат бошқарувида иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш, давлат хизматига киришишда тенглик ҳуқуқлари бўлиши кераклиги қайд этилган. Парламентларо Иттифоқи Кенгаши томонидан қабул қилинган "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида"ги Декларация, Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари буйича конференциясининг Копенгаген кенгаши ҳужжати, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг "Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқ ва эркинликлари стандартлари тўғрисида"ги Конвенция ва бошқа сайловга оид ҳужжатларда демократик сайлов принциплари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар сайловларни умумий, тенг, даврий асосда, ҳалоллик билан очик, шаффоф ўтиши, эркин, ихтиёрий, ҳақиқий ва адолатли, яширин овоз бериш кабиларда ифодасини топган. Овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳаққоний бўлиши, унинг расмий яқунлари эса, матбуотда эълон қилинишини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш ҳам шулар жумласига киради.

Сайлов кодексининг 48-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилади. Бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб

қилинмайди.

Сайлов кодексига 8 февралда киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, сайлов ҳуқуқининг умумийлиги ва тенглигига оид халқаро принципни янада кенг таъминлаш мақсадида "271-модда. Чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхатларига киритиш", "561-модда. Сайловчининг чет давлатда турган жойида овоз бериш" мазмунидagi нормалар киритилди.

Унга кўра, чет давлатларда турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда тузилган участка сайлов комиссияларига уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловдан ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларга мувофиқ чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларда муддатидан олдин овоз бериш сайловчининг турган жойида ўтказилиши мумкин.

Мамлакатимизнинг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурда тузилган участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилади. Бу ҳақда сайловчиларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади.

Авваллари сайловчилар фақатгина доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган бўлсалар сайловчилар рўйхатига киритилган бўлса, эндиликда агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан ўзаро суҳбат чоғида улар овоз бериш кунини ушбу сайлов участкаси ҳудудида бўлиши аниқланса, ушбу фуқаролар вақтинча турган жойи буйича рўйхатга олинган ёки олинмаганлигиндан қатъи назар сайловчилар рўйхатига киритилади.

Иккинчидан, Сайлов кодексига сайловларнинг муқобиллик асосида, кўппартиявийлик билан ўтиши мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига барча сиёсий партиялар эга. Албатта, бундай норма фуқароларимизга ўзларига мос, энг яхши номзод ва

сайловдаги дастурини танлаш имкониятини беради. Аслида сайловнинг моҳияти ҳам ана шунда мужассам бўлади.

Учинчидан, қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда фақат қонунга буйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир.

Конституцияимизнинг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига жаҳон амалиётда илк бор бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди.

Мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошқоралик, адолатлилик Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланди.

Тўртинчидан, Сайлов кодексига сайловнинг ҳолис ва адолатли ўтишининг энг муҳим кафолати — яъни Президент сайловининг молиявий таъминоти давлат маблағлари томонидан қопланиши белгилаб қўйилди. Бу жудаям муҳим жараён — одиллик ва адолатли равишда олиб бериш, сайловда барча учун тенг шароитлар яратилишининг муҳим омилли ҳисобланади.

Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Бешинчидан, Кодексда номзодлар учун партиявийлигидан, ижтимоий ва маъруза аҳоли, ирқий ёки миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулоти тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг кафолатларнинг қонуний асослари белгилаб қўйилган.

Кодекс Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга тенг ҳуқуқлилик асосида сайловдаги ташвиқоти юритишни кафолатлайди. Қонунга мувофиқ, Президентликка номзод этиб рўйхатга

олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуққа эга. Президентликка номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловда иштирок этиш вақтида сайловни ўтказиш телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларини бажаришдан овоз бўлиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоида билан боғлиқ норма Меҳнат кодексининг 165-моддасида ҳам белгиланган.

Олтинчидан, Сайлов қонунчилигимиз уни бузган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳамда одил судловга шикоят қилишни кафолатлаган.

Хусусан, номзод кўрсатган сиёсий партиялар органлари, номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Олий судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга камида олти кун қолганида эса, дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Жорий йил 31 майда Сайлов кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар фақат суд томонидан кўриб чиқилади. Аввал шикоятларни юқори турувчи сайлов комиссиялари ҳам кўриб чиқиши мумкин эди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда алоҳида VI боб — Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик номли боб мавжуд. Жиноят кодексининг 146, 147-моддаларида ҳам сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, сайлов қонунчилиги бўлгуси сайловларнинг юксак демократик мезонлар асосида ўтишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.



**СИРДАРЁ**

**БЕДАРАК  
КЕТГАН ОТАГА  
СУДНИНГ  
СЎНГГИ ҚАРОРИ  
ЎҚИЛДИ**

ЯНГИЕР шаҳар “Маърифат” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Шохруҳ Назриев отаси Шариф Норовни вафот этган, деб топиш тўғрисида амалий ёрдам сўраб шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида фуқаро Ш.Назриевнинг отаси Шариф Норов ҳақиқатан ҳам 1997 йилда уйдан чиқиб кетганча қайтиб келмаганлиги ҳамда суднинг 2001 йилдаги қарори билан бедарак йўқолган, деб топилганлиги, ammo на тириклиги ҳақида бирор маълумот, на ўлими ҳақида гувоҳномаси йўқлиги сабабли 2020 йил ноябрда вафот этган онаси О.Жўраевнинг эғалигида

бўлган мол-мулкни расмийлаштиришда муаммо юзага келаётганлиги аниқланди.

Янгиер шаҳар “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда шаҳар адлия бўлими томонидан Ш.Назриевнинг оилавий шароити ўрганилиб, отаси ҳақида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмаслиги тўғрисида далолатнома тузилди.

Фуқаролик кодексининг 36-моддасига асосан “Агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавфи солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб,

унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган, деб эълон қилиши мумкин”лиги белгиланган.

Юқоридагиларга биноан Янгиер шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаро Ш.Назриевнинг манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига киритилган ариза асосли, деб топилди ҳамда Ш.Норовни вафот этган, деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

**Лазиз ХУДОЙҚУЛОВ,**  
Янгиер шаҳар адлия бўлими бошлиғи

**ТОШКЕНТ**

**ФУҚАРОЛАР Г.А. ва Г.К.лар муқаддам Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги қошидаги Давлат кадастр палатасида ишлаган. Улар билан тузилган меҳнат шартномаси бир томонлама бекор қилинган, ammo тўланиши керак бўлган маблағ тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган фуқаролар амалий ёрдам сўраб, Учтепа туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлган.**

**ИШ БЕРУВЧИ  
ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛГАН ВА  
ҲИСОБ-КИТОБНИ “УНУТГАН”**

Мазкур мурожаат ўрганилганда, улар Давлат кадастр палатаси томонидан 2020 йил ишдан бўшатиш ҳақида огоҳлантирилган. Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига биноан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган. Шунингдек, мурожаат эгалари Учтепа туман аҳоли бандлиги қўмақлаштириш марказида иш кидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса-да, ишдан бўшатиш нафақаси ва маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан унинг оғир иш ҳам ўртача иш ҳақи Давлат кадастр палатаси томонидан тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоданки, Меҳнат кодексининг 67-моддасига асосан меҳнат шартномаси технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ҳодимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги сабабли ҳамда 106-модданинг 2-бандига кўрсатилганидек, шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга қайта тикланиши сабабли бекор қилинган ҳолларда иш кидириш даврида икки ойдан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлиниб қолади. Бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олинди, шунингдек, агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатилган ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш кидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтса, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан унинг оғир иш ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади.


Ушбу ҳолат юзасидан туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан Кадастр агентлиги хузуридаги Давлат кадастр палатасидан фуқаро Г.А. фойдасига 15 миллион 239 минг 522 сўм ва фуқаро Г.К. фойдасига 13 миллион 120 минг 530 сўм ундирилиши белгиланди.

**Отабек НЕГМАТОВ,**  
Учтепа туман адлия бўлими бошлиғи



**НАВОЙЙ**

ЗАРАФШОН шаҳар адлия бўлими томонидан Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан мониторинг ўтказилди.



**ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ИЖРОСИ  
ТАЪМИНЛАНМАГАН**

Мазкур Қарорнинг 11-бандига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб туман, шаҳар халқ таълими бўлиmlари хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилган бўлиб, ушбу жамғарманинг маблағлари туман, шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари ҳамда умумтаълим муассасалари директорларини моддий қўллаб-қувватлаш тадбирларига йўналтирилиши белгиланган.

Президент Қарори ижроси юзасидан ўтказилган мониторингда Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими томонидан қарор ижроси бажарилмасдан 28 нафар ходимга устама тўловлари тўланмаганлиги аниқланди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатини баргараф этиш юзасидан адлия бўлими томонидан тегишли тартибда тақдимнома киритилиб, 28 нафар ходимга тўланмай қолган жами 36 миллион 666 минг 642 сўмлик маблағ тўлаб берилиши таъминланди.

**Ориф СУЛТОНОВ,**  
Зарафшон шаҳар адлия бўлими бошлиғи



**НАВОЙЙ**

**ФАРРОШНИНГ ҲАҚИГА  
ХИЁНАТ ҚИЛМОҚЧИМИДИ?**

ГУЛЖАНАТ Ижжанова Томди туман тиббиёт бирлашмасида фаррош бўлиб ишлайди. Унинг шгат билиги 0,5 бўлганлиги учун ойлик маош миқдори ҳам у қадар юқори эмас.

— Тиббиёт бирлашмасига 2018 йилда ишга қирганман, — дейди Г.Ижжанова. — Ойлигим мен билан тенг лавозимда ишлаётган ҳамкасбларимникидан анча фарқ қиларди. Аввалгига, ишга янги қирганим учун бўлса керак, деб ўйладим. Кейинчалик ҳам бу ҳолат ўзгармади. Қолаверса, шу йилнинг январь ойида ишхонамда тунги навбатчиликда турганим учун тўланиши керак бўлган тўлов ҳам менга берилмади. Шундан сўнг танишимнинг маслаҳати билан туман адлия бўлимига ёрдам сўраб мурожаат қилдим...

Мазкур мурожаат туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилганда фуқаро Г.Ижжанова тунги навбатчиликда ишлаган даври учун 74 минг 150 сўм ҳамда ойлик маошига туман коэффицентидан эса, 304 минг 14 сўм жами 378 минг 164 сўм тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Ваҳоданки, Меҳнат кодексининг

153-моддаси 4-қисмида табиий-иклим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига туман коэффицентлари ва устамалар белгиланиши кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 154-моддаси 1-қисмида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, кодекснинг 158-моддаси 1-қисмида тунги вақтдаги (122-модданинг биринчи қисми) ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланиши лозимлиги белгиланган.

Адлия бўлими томонидан Тиббиёт бирлашмаси раҳбари номига Г.Ижжанованинг тўланмай қолган иш ҳақини тўлаб бериш юзасидан тақдимнома киритилиб, мурожаат қаноатлантирилди.

**Ориф НОСИРОВ,**  
Томди туман адлия бўлими бошлиғи



**СУРХОНДАРЕ**

**ҚОНУНГА ЗИД ҲОКИМ ҚАРОРИ  
БЕКОР ҚИЛИНДИ**

БОЙСУН туманидаги “Косиблар” маҳалласи ҳудудида яшовчи тадбиркор фуқаро Т.Кўчқоров ва бошқаларнинг ўзларига тегишли савдо дўконлари қонун талабларига зид равишда ва мулкдорларнинг розилигисиз бузилиши ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида кўп қаватли уй-жойлар қуриш режалаштириляётганлигидан норози. Улар бузилиши режалаштириляётган савдо дўконлари жойлашган ер майдонига ўзлари эъмонавий кўп қаватли савдо дўконлари қуриш учун амалий ёрдам беришни сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилишди.

Мурожаатни ўрганиш чоғида 2021 йилнинг 20 апрелида Бойсун туман ҳокимининг “Бойсун тумани “Тузбозор” маҳалласидаги Беруний кўчасида жойлашган нотурар жой биноларининг компенсация маблағларини олдиндан тўлиқ тўлаб бериш ёки бино билан таъминлаш шarti билан бузиб, ўрнига кўп қаватли турар-жой биносини қуриш учун ер майдонини “Назари Қушбеги” хусусий кичик корхонасига ажратиб бериш тўғрисида”ги 772-сонли қарори қабул қилинган.

“Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига

компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 55-бандига асосан туман, шаҳар ҳокимлари томонидан олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси барча мулкдорларга тегишли компенсация берилгандан кейин, шунингдек, турар ва нотурар жойлар, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа бино ва иншоотлар амалда тўлиқ бушатиб қўйилгандан сўнг икки иш кунида тайёрланиши қайд этилган.

Мазкур Низомнинг 56-бандига кўра, кўчмас мулк объектни бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга адлия

органларининг ижобий ҳулосаси мавжуд бўлгандагина йўл қўйилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Низомнинг 57-бандида туман, шаҳар ҳокимларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорда мазкур ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисида тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарори реқвизитлари, бузиб ташланиши лозим бўлган кўчмас мулк объектларининг маърузи рўйхати, бузиладиган кўчмас мулк объектларининг мулкдорларига компенсация тўлиқ тўлаб берилганлигини тасдиқловчи маълумот,

ҳар бир кўчмас мулк объектнинг бузиб ташланиши бошланғич санаси ва бузиб ташлаш муддатлари ҳам акс эттирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Туман адлия бўлими томонидан Бойсун туман ҳокимининг 2021 йил 20 апрелдаги қарори мазкур Низом талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли уни бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун туман ҳокимлигига тегишли тақдимнома киритилиб, туман ҳокимининг мазкур қарори бекор қилинди.

**Нодир МАМАДИЕВ,**  
Бойсун туман адлия бўлими бошлиғи



## НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИНИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

— БОЛАЛИКДАН ногиронман.


Воёга етганимдан сўнг менга II гуруҳ ногиронлик белгиланди. Ногиронлик нафақасини оламан. Меҳнат стажим йўқ. Лекин ишламоқчиман. Соғлигим тикланмайди, бутунлай тузалиш имконим йўқ. Агарда ишласам, менга тайинланган ногиронлик бекор қилинадими?

— Йўқ, бекор қилинмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарорининг “Давлат пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандига кўра:

Ногиронлик нафақаси ногиронлик содир бўлган ҳолларда, ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тайинланади ва тўланади.

Ишлаётган ёки ҳаёт кечиришининг бошқа манбаларига (алиментлар ёки стипендиялар олиш бундан мустасно) эга бўлган I ва II гуруҳ ногиронларига нафақа тайинланмаслик банди бекор қилиниб, ўз кучини йўқотган. Яъни, ушбу Низомнинг 12-банди Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 248-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Шунга кўра, II гуруҳ ногиронлигининг бўлган ҳолда ҳақ тўланадиган ишга киришингиз мумкин. Ишга киришингиз ва ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти олиб боришингиз ногиронлик нафақаси берилишини тўхтатишга асос бўлмайди.



## ҲАҚСИНИНГ РОЗИЛИГИСИЗ РЎЙХАТГА КИРИШИМ МУМКИНМИ?


— Қайинсинглимга тегишли бўлган 3 хонали уйда вақтинча рўйхатда туриб яшайман. Турмуш ўртоғим билан қайнонам Россия давлатига ишлагани кетган. Ўзим ишламайман. Турмуш ўртоғим билан қайнонам пул жўнатиб туради.

Мен қайинсинглимга тегишли бўлган уйга, унинг розилигисиз доимий рўйхатга олинишим мумкинми?

— Йўқ, мулкдор бўлган қайинсинглиннинг розилигисиз доимий рўйхатга олинимайси.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандига кўра уй-жой мулкдорининг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси розилиги ҳақида ёхуд агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса нотариал тасдиқланган аризаси, яъни розилиги лозим.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасига асосан мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкга ўз хоҳишига кўра эгалик қилади ва тасарруф этади.



## ДУБЛИКАТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

— Меҳнат дафтарчам йўқолган. Уни қандай тиклаш мумкин?

— Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 4.1-4.5-бандларига кўра:

Меҳнат дафтарчаси йўқотиб қўйилган тақдирда, шунингдек, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган (йиртилган, ёнган, ёзувлари бўялган) ҳолларда меҳнат дафтарчасининг дубликати ходимнинг охириги иш жойидан бериллади.

Меҳнат дафтарчасини йўқотган шахс бу тўғрида зудлик билан охириги иш жойига ёзма хабар бериши лозим. Хабарномадан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи ходимга биринчи бети юқори қисмининг ўнг томонида “Дубликат” деб ёзилган ҳолда янги меҳнат дафтарчасини беради.

Меҳнат дафтарчасининг дубликати умумий қоидаларга биноан тўлдирилади. Меҳнат дафтарчасининг дубликати тўлдирилаётганда “Иши тўғрисидаги маълумотлар” бўлимида охириги иш жойидаги иши тўғрисидаги маълумотлар илгариги буйруқлар асосида ёзилади.

Борди-ю, ходим мазкур корхонага ишга кирмасдан олдин ишчи ёки хизматчи вазифасида ишлаган бўлса, унда меҳнат дафтарчаси дубликати “Иши тўғрисидаги маълумотлар” бўлимининг 3-устунига, мазкур корхонага ишга келмасдан илгариги ишлагани тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган умумий иш стажига ёзилади.

Меҳнат дафтарчаси эгасининг олдинги умумий иш стажига жамланиб, яъни қайси корхонада, қайси даврда ва қайси лавозимларда ишлаган йиллари, ойлари ва кунлари умумий тарзда ёзилади. Масалан: бир иш жойида бошқа ишга ўтказилиши ва бошқалар кўрсатилмайди.

Иш берувчи ходимга мазкур корхонага кирмасдан олдинги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатларни олишда ёрдам кўрсатиши мажбурий.

## ХОРИЖГА ЧИҚИШ ПАСПОРТИНИ ХОҲЛАГАН ЖОЙДАН ОЛИШ МУМКИНМИ?

— Хорижга чиқиш учун қизил паспортни Қўқон шахридан олишим мумкинми? Ёки доимий рўйхатга олинган жойим — Тошкент шахридан олишим керакми? Бунда қандай ҳужжатлар талаб этилади?


— Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги 6191-сонли Фармонининг 1-бандига асосан 2021 йил 1 июндан бошлаб фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал таъминот асосида амалга оширилади, деб белгиланди.

Шунга кўра, Қўқон шахрида хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириб олишингиз мумкин.

Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштирилиши учун ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлималарининг маълумотларни йиғиш пунктига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
- биометрик паспорт ёки ID-карта ёхуд 16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун туғилганлик ҳақида гувоҳнома;
- илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспорти (мавжуд бўлган тақдирда);
- ваколатли органнинг қарори (хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида);
- процессуал мажбурият чораси бекор қилинганлиги ҳақида тасдиқланган қарор нусхаси (хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиши суд ажрими билан тўхтатиб турилганида);
- ҳарбий гувоҳноманинг ёки чақирув участкасида қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси ёхуд мудофаа ишлари бўлимининг белгиланган намунадаги маълумотномаси — ҳарбий хизматга мажбурлар учун;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 1-илоvasи 6-бўлим “б” бандига кўра, ҳозирги кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,2 баравари, яъни 324 минг сўм давлат божи тўланади.



## 60 ЁШГА КИРГАНДА ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ОЛАСИЗ

— Меҳнат стажим 4 йил. Ёшга доир пенсияга чиқа олмадим. Қачон чиқа оламан?

— Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 8-моддасига асосан Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар ушбу Қонун 37-моддаси биринчи қисмининг “а”, “б”, “в” ва “г” бандларида назарда тутилган камида



Саволларга “Мадад” ННТ Қўқон шахар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси

**Мукаррам ТОШБОЛТАЕВА**  
жавоб берди.

7 йил иш стажига мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади, деб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли Қарорига асосан тасдиқланган 2-иловадаги Низомнинг 5, 6-бандларига кўра, иш стажига эга бўлмаган ва 7 йилдан кам иш стажига эга бўлган шахслар — аёлларга 60 ёшга кирганда ёшга доир нафақа тайинланади, деб белгиланган.

Шунга кўра 60 ёшга кирганингизда ёшга доир нафақага чиқишингиз мумкин.



## НИКОҲДАН АЖРАЛМАЙ ТУРИБ ҲАМ...

— Расмий никоҳдан ўтиб турмуш қурганимиз. Умумий мол-мулкимизни бўлиш учун никоҳдан расмий ажралмасдан аввал судга даъво ариза киришим мумкинми?

— Ҳа, мумкин. Оила кодексининг 27-моддасига асосан:

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳ бекор қилингандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувчи қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни эр ва хотин ўртасида ўзаро қелишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро қелишув нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибда амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан ошiq қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

**ИНСОН ёши улғайган сари оқу қоранинг фарқига борадиган, гуноҳу савобни яхши англайдиган даражага етиши керак. Аммо орамизда ёши эллиқдан ошган бўлса-да, тўғри йўл қолиб эгри йўлга от соладиган, жамиятга, ўзгаларга, оиласига фақат зиён келтирадиган одамлар ҳам талайгина.**

# ТОВЛАМАЧИНИНГ ТАВБАСИ ТАН ОЛИНМАДИ

Сўнгги вақтларда одамларда бир-бирини алдаб, тухмат қилиб, кўрқитиб, пул талаб қилиш ҳолатлари кўпайди. Ижтимоий тармоқлар орқали бирининг шахсиятига, шаънига тегиб, шарманда қилиш билан таҳдидлар эвазига мўмай пул топиш “мода”га айланди.

Навоий шаҳридаги “Тинчлик Сити” масъулияти чеklangан жамиятида бинойидек ишлаб турган катта оиланинг бошлиғи, тўрт нафар фарзанднинг отаси Аббор Шарипов (исм-шарифи ўзгартрилган) ҳам болаларига ибрат бўлиш ўрнига, текин бойлик орттирмочки бўлиб, юзи қора бўлгани, судлангани, озоликдан махрум бўлгани қолди. Негаки, товламачи “ўлжа”ни олаётганда, ови юришмай, “қопкон”га тушди.

Аваллари кингир ишининг қийини кирк йилда чиқса, ҳозир кирк кунда, ҳатто ундан ҳам қисқа фурсатда фош бўлаётганига гувоҳимиз.

А.Шариповнинг ҳам хом хаёлларга ўралган “юксак орзу-умид”лари тезда фош бўлди.


Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2021 йил 24 июлдаги ҳукмига кўра суд залидан қамоққа олинган А.Шариповга Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра, 3 йил озоликдан махрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳўш, товламачи эркак нима учун озоликдан махрум бўлди? Унга қўйилган айбнинг тафсилоти қандай? Туппа-тузук иш жойига эга бўлган оила бошлиғининг жиноят кўчасига кириши, боз устига эркакларга ярашмайдиган фирибгарлик, товламачилик билан шугулланиши ачинарли, албатта.

Қизи тенги, вояга етмаган шахсни кўрқитиб, миллионларини олгандан кўра, эркак зотининг ҳар нарса бўлгани яхши. Хуллас, Шарипов жабранувчи учун сир саклалиши лозим бўлган маълумотни ошқор

қилиш билан кўрқитиб, таниши, аниқроғи, жиноий шериги Г.Собирова билан олдиндан тил бириктириб, вояга етмаган С.Қурбоновани отасига нисбатан қилинган айрим хуфёна “иссиқ-совуқ” ишларини айтиш, оиласини бузиб юбориш ва шахсий фотосуратларини интернет ижтимоий тармоғи орқали тарқатиш ва шарманда қилиш билан кўрқитиб, ундан 15 миллион сўм пул беришни талаб қилган.

2021 йил 12 март куни Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлими ва Давлат хавфсизлик хизмати Навоий вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Навоий шаҳар, “Ёшлик” маҳалласи ҳудудида Сохибадан 10 миллион сўмни товламачилик йўли билан олаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Унинг айб тўлиқ тасдиқланган, қилмишига яраша жазо тайинланган.



Хукм қатъий ва адолатли эди. Аслида шикоятга ўрин йўқ. Аммо... Шунга қарамасдан, мазкур жиноят иши Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чикилди.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича барча фикрларни тинглаб, судланувчи А.Шариповнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиқдаги айби, судда ўз айбига иқроқлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, жабранувчилар ва гувоҳларнинг судда берган кўрсатмалари, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган дисклар ҳамда ёзишмалар, аудиоёзувлар ва фото тасвирларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомалар барча ашёвий далиллар билан исботланганлигини инобатга олиб, биринчи босқич суди ҳукмининг ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Сабаби, биринчи босқич суди унга нисбатан адолатли қарор қабул қилган эди.

Судлов хайъати, биринчи босқич суди ҳукмининг ўзгариши ёки бекор қилиш учун ишда ҳеч қандай асос йўқ, деган хулосага келди.

Хуллас, мазкур жиноят иши миллатимиз шаънига доғ туширадиган хунук ҳолатдан, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат йўқолиб бораётганидан, одамлар текин пул топиш йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан, мунофиқликдан, бир-бирини сотишдан қайтмайди-ган бўлиб бораётганидан далолатдир. Бу эса, инсонни жарга етаклайдиган хавфли иллат, одамийликдан йироқлаштирадиган тубанликдир.

**Абдуманнон ШАЙДОЕВ,**  
**Навоий вилоят суди раиси**  
**Ўрибосари,**  
**Маруза ҲОСИЛОВА,**  
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## “ЕТИМ ҚЎЗИ АСРАСАНГ, ОҒЗИ-БУРНИНГ МОЙ БЎЛАР, ЕТИМ БОЛА АСРАСАНГ, ОҒЗИ-БУРНИНГ ҚОН БЎЛАР...”МИ?!

**ЖОҲИЛЛИК, разиллик ва жаҳолатнинг оқибати ҳеч қачон хайрли бўлмаган. Инсонга жаҳлини жиловланиш, ҳар қандай вазиятда оқибатини ўйлаб йўл тутушига куч, имкон топиши зарурлиги учун ақл берилган. Афсуски, “жаҳли чиққанда ақли кетадиган”лар тоифасига қирадиан қимсалар бу ҳақда ўйламай қўйди.**

Қанийди, кундан-кунга кўпаяётган муҳим соҳаларнинг олдини олишнинг иложи бўлса... Таассуфки, отоҳлик ва хушёрликка чорлаш, инсон деган номга муносиб ҳаёт кечиршига ундаш учун ҳам гоҳида жиноятчиларнинг қора қилмишларини шарқлашга, аниқроғи, қоралашга мажбурмиз...

Нонқўрлик, ношуқурлик халқимизга асло хос эмас, аммо нобокор қариндош З.Карим-боевни (исм-шарифлари ўзгартрилган) ана шу иллатлар уни болалигидан етим бошини силаган, кемтик кўнглини тўлдирган, онаси ўрнида оналик қилиб вояга етказган ўз хонасининг қотили сифатида юзини ерга қаратиб, суднинг қора курсисига етаклади. Унинг қилмиши сабаб бир бегуноҳ инсон, уни оқ ювиб, оқ тараган мунис ва меҳрибон аёл ҳаётдан кўз юмди.

Кўпчилик қилғиликни қилиб, сўнгра ўзини оқлашга, минг бора пушаймон қилишга жуда уста бўлиб қолди. Судда айбдор “қахрамонимиз”нинг ўз айбига иқрори ҳам худди шундай:

— “1997 йилда уч ёшлигимда онам оғир хасталиқдан вафот этгач, отам бизни бувимнинг қўлида қолдириб, ўзи бошқа турмуш қуриб, алоҳида яшаб кетди. 2006 йилда бувим ҳам оламдан ўтди. Шундан кейин биз онамнинг турмушга

чиқмаган синглиси Мастура холамнинг қармоғида қолдик. Вояга етгач, Қозғистоннинг турли шаҳарларида новвойчилик, устачилик қилдим, иссиқхоналарда ишлаб, пул топдим, тирикчилик қилдим. Мен Қозғистонда ишлаб юрган вақтимда акам Аскаржон келиноним Дилафруз билан оила қуришди. Улар ҳам холамнинг уйида яшамади. Опам Озода эса турмушга чиқиб кетган. Ўша кунни ўзим новвойчи бўлиб ишлайдиган новвойхонадан чиқиб, қаттиқ қарчаганим учун дам олиш мақсадида пиво ичдим. Уйга келинганда холам телевизор кўриб ўтирмаган, келиноним эса ошхона ишларини бажарётган экан. Индамай, ўз хонамга кириб кетаётганимда, холам “Қачонгача ичиб келасан?” Ҳозир худди профилактика инспекторини қақираман. Ўзим бемор бўлсам, мени қийнаб юбординг! Онангнинг эрта ўлиб кетишига сен билан аканг айбдор, энди навбат менга-ми? Уйимдан чиқиб кет!” деб бақирди. Спиртли ичимлик истеъмол қилганим учун бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. Ошхонага кириб стол устида турган пичокни олиб чиқиб, холамга ўдлагайладим. Аммо холам бундан ҳўчимади, аксинча “Ўлдиришмоқчимисан, қани ўлдири!” деб бақирди. Унинг

бу гапи баттар асабимга теғди, ўзимни бошқара олмай қолдим, пичокни унинг кўкрак қафасига урдим. Холам қреслога ўтириб қолди. Шу пайт уйдан келиноним чиқиб, “Нима қилиб қўйдингиз?” деб бақирди. Унинг бу гапидан кейин пичокни ерга ташлаб, кўчага чиқиб кетдим. Кўчада худди профилактика инспекторини кўриб қолиб, унга бўлиб ўтган воқеани айтиб бердим. Холамни ўлдириш ниятим йўқ эди. Қилган ишимдан чин кўнглидан пушаймонман. Мени кечиринглар, қонуний енгиллик беришингизни сўрайман...”

Наҳотки, инсон боласи шу қадар бешафқат, шу қадар разил бўлса? Шу қадар кечирилмас хатога йўл қўйса? Мастура хола саратондан вафот этган орасининг фарзандларини ўз қарамонига олганда меҳр бериб, бошини силаган жияни бир кун келиб ўз умрига зомин бўлишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган бўлса керак...

Қилмиш — қидирмиш. Суд тарафларининг фикрини эшитиб, жиноят иши бўйича тўшланган далилларга асосланиб, судланувчи З.Карим-боевни Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра айбдор деб топиб, унга 12 йил озоликдан махрум этиш жазосини тайинлади. Чунки, қачон, қаерда ва қандай ҳолатда содир этилганидан, сўнгги минг бор пушаймонлару тавба тазаррулардан қатъи назар, жиноят учун жазо муқаррар.

**Ақром АРИПОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди бош консултанти**



**РИШТОН-туманининг “Булоқбоши” маҳалласида яшовчи Жамшид Болтабоев (исм-шарифлари ўзгартрилган) ёш бўлса-да, кейинги вақтларда ичкиликка муккасидан кетди. Ҳар кунни, ҳатто бир кунда икки-уч марта ҳамуяга ичиб келадиган бўлди. Борди-ю, ичкиликка пул тополмай қолса, уйдаги бирор буюмини олиб чиқиб сотишдан ҳам тоймасди.**

Ачинарлиси, вояга етмаган нора-сида фарзандлари унинг оиладаги хурмача қилиқларидан юрак олдириб қўйганди. Бу хонадондаги тўс-тўполон кўни-қўшилларнинг жонига текканини-ку гапирмасам ҳам бўлади.

Шу йилнинг 13 апрель санаси муборак Рамазон ойининг илк куни бўлишига қарамай, кундузи Жамшид “шишадош” ошналар билан улфатчилик қилди. Тушдан сўнг бир-икки соат уйда ўтирган бўлди-ю, кечки пайт яна кўчага йўл олди. Соат 21:30ларда эса оёқда зўрға турадиган ҳолатда қайтиб келди. Одатдагидек яна эски “хунари”ни бошлади. Яъни, рафикаси Сохиба қолиб, отаси Мухторжон Болтабоев ва онаси Қумринисо опага ҳам сўқина кетди. Ҳатто уларни қаҳорат қилишгача борди. Мухторжон ақанинг оталарча айтган насихатомуз гап-сўзлари ҳам бебош ўғилга қор қилмади. Хуллас, бу ҳолат анчагача давом этди. Охир-оқибат тоқати-тоқ бўлган ота уни судраб оғирхонага олиб кирди. Кейин ўша ердаги икки дона арқоннинг бири билан Жамшиднинг қўл-оёғини боғлаб ташлади. Аммо сарқуш йигит шунда ҳам сўқинишу қаҳоратдан тийилмади. Жонига теккан ота иккинчи арқонни олиб, унинг оғзи ва бўйини аралаш боғлаб қўйди. Шундан хонадондаги жанжал босилди.

— Келин, сиз болаларингиз билан кириб ётаверинг”, — деб буюрди қайнотаси Сохибага.

Бирок кечкурун Болтабоевлар хонадонидagi бақир-чақирдан “бахраманд бўлиб” ухлаган маҳалла ахли эртасига сахарликча уларниқидаги дорд-фарёддан уйғонди.

Гап шундаки, Сохиба Болтабоева тунги соат 03:00 ларда сахарликча турганида омборхонага қиради. Яъни, хўжайинидан хабар олиб, уни турғизмоқчи бўлади. Лексин Жамшид қимирламаётганини кўриб кўрқиб кетади. Шу боис, дарҳол қайнона-қайнотасини қақиради. Омборхонага ҳовлиқиб кириб келган ота не кўз билан кўрсинки...

Кейинчалик суд-тиббий экспертизаси ва бошқа текширувлардан аён бўлдики, оғидан оғзи-бўйинига чирмаб ташланган Ж.Болтабоев ҳаракатлана олмай, нафас етишмоқчилиги ҳамда бўйин қисмидаги асосий қонотмирларнинг қисилиши оқибатида вафот этган экан.

Шундан сўнг М.Болтабоевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди эса уни Жиноят кодексининг 102-моддаси 1-қисми (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш) билан айбди деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди.

**Умиджон МЕҲМОНАЛИЕВ,**  
**жиноят ишлари бўйича Риштон**  
**туман суди раиси**  
**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## МУХБИР КУЗАТУВИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 6 июлдаги сониди Каттақўрғон туманининг Абулқосим қишлоғидаги бир қатор муаммолар хусусида “Каттақўрғоннинг “ўғай” қишлоғи” сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган. Яқинда таҳририятга ана шу қишлоқнинг бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, оқсоқоллар — Суюн Ҳасанов, Карим Эрдонов, Усмон Тоштемиров, Ақтам Эрдонов ва Хайрулло Қўзиёвлар имзоси билан хат келди.

## АБУЛҚОСИМ ҚИШЛОҒИ ҲАҚИҚАТАН ҲАМ “ЎГАЙ”МИ?

Унда айтилишича, газетада мақола чоп этилгандан сўнг қишлоқ аҳли 20 йиллик армонлари ушалиши ҳамда муаммолари ҳал этилишига жуда қаттиқ ишонишган. Бироқ, минг афсуслар бўлсинки, орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтса-да, на туманининг бирор-бир раҳбари, на сектор бошлиғи ёки дахлдор ташкилотлар масъуллари қишлоққа келиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида ўз муносабатларини билдиришмаган. Ахир, газетанинг танқидий чиқишига шунчалик эътиборсизлик бўлиши мумкинми?!

— Ҳақиқатан ҳам қишлоғимиздаги аҳвол газетада ёритилган мақоладагидек аянчли. Йигирма йилдан буён ичимлик суви йўқ, тоза ичимлик суви чиқарилган “башня” ўн беш йилдан буён ишламайди. Уни таъмирлаш борасида вилоят ва туман ҳокимликларига бир неча бор мурожаат қилдик. Ҳар гал шикоятимизни ўрганиш учун мутасадди ташкилотлар вакиллари келиб, муаммони кўришди. Бизнинг аҳолимизга ачиниб, қуюқ ваъда бериб кетишди. Лекин бу ваъдалар, мана ўн йилдири қишлоқдаги ҳақиқат қолмоқда, — деб ёзишган муаллифлар.

Уларнинг таъкидлашича, ичимлик суви муаммосини ҳал этиш имконияти бор. Қўшни “Каттақўрғон” қишлоғидан “Навоий-Бухоро-Дамхўжа” сув қувури ўтади. Ўша қувур билан қишлоқ ораси бор-йўғи икки километр, холос. Фақат туман раҳбарлари сал эътибор берса, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади. Икки минг киши истиқомат қиладиган мазкур қишлоқда йўл масаласи ҳам аянчли. Қишда лой, ёзда тулпоқдан юриб бўлмайди. Бундан 15 йил аввал табиий газ учун пул йигилиб, қувур тортилган. Аммо у ҳанузгача улаб берилмаган. Энг ачинарлиси, аҳоли Каттақўрғон шаҳридан келтирилган ҳар бир махсус машинадаги тоза сувни 150 минг сўмдан сотиб олади. Улар ноилжликдан бунга кўниқиб қолган.

— Лекин яқинда қишлоғимиздан ўтадиган ариқларга ҳам сув келмай қолди. Энди экинларни, мол-ҳолни сўғориш учун ҳам сувни сотиб олаёلمиз. Буни қандай тушуниш мумкин? — дея қайд этишган оқсоқоллар. — Мухтарам Юртбошимиз халқ фаровонлиги ва одамларни рози қилиш учун жон куйдириб ишлаётган бир пайтда нега туманимиз раҳбарлари бизнинг қишлоқ одамларининг дарди билан қизиқиб қолди? Ёки Абулқосим қишлоғи ҳақиқатан ҳам “ўғай”ми?!

Азим ҚОДИРОВ,  
“Инсон ва қонун” мухбири

## ФХДЁ органларида бир қатор ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди

ҚОНУНЧИЛИКДА белгиланган янги тартибга кўра, ФХДЁ орگانлари ўз фаолиятини амалга оширишда ўзига хос тамойилга асосланади. Бундай тамойиллардан бири бу экстерриториал тамойилдир. Экстерриториал тамойил фуқароларга жуда қатта қулайликларни яратиб беради.

ФХДЁ органлари фаолиятида экстерриториал тамойилнинг жорий этилиши фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойдан ва юридик шахсларнинг почта манзили (жойлашган ери)дан қатъи назар, исталган ҳудуддаги ФХДЁ идораларига мурожаат қилиш имконияти яратилганлигини аниқлатади. Бу эса, аҳолига ФХДЁ органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни сифат жиҳатидан яхшилашга ва осонлаштиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра, жорий йилнинг 1 июнидан фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойдан қатъи назар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва хорижа чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилмоқда. Энди интернал хизматларни амалга ошириш жараёнида ҳам фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралари томонидан давлат хизматлари агентлиги ёхуд ФХДЁ органларига мурожаат қилмасдан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб этмасдан, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинади.

Мазкур Фармонга асосан 2021 йил 1 июндан бошлаб ФХДЁ органлари томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида фуқаролардан қуйидаги фактларни тасдиқловчи бир қатор ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди. Жумладан, энди ФХДЁ органлари томонидан фуқаролардан руҳий касалликлар, наркология бўйича

диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмайди. Бундан ташқари, фуқаролардан судланганлиги, манзил-маълумот ахбороти, турар жойининг майдони, фуқаронинг номида шахсий уй-жой ёки солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги, пенсия ва нафақа миқдори, пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёхуд мавжуд эмаслиги, никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди. Шунингдек, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, шахснинг белгиланган шаклдаги фотосурати, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари, меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари, иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта таълим муассасаларида ўқиганлигини тасдиқловчи архив маълумотлари, кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхаларини талаб қилиш бекор қилинди.

**ФХДЁ органлари юқорида назарда тутилган ҳужжатларни, зарурат туғилганда, масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда тегишли “Электрон ҳукумат” тизими идоралараси интеграциялашув платформаси орқали сўраб олади.**

Ушбу ҳужжат ва маълумотларнинг аҳолидан талаб қилиниши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 июндан ФХДЁ органлари томонидан давлат статистика органларига далолатнома ёзувларининг нусхаларини юбориш ва ҳисоботларни

топшириш амалиёти бекор қилинди.

Шунингдек, ФХДЁ органлари томонидан далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш, фамилия, исми ва отасининг исмини ўзгартириш, оталик, фарзандликка олиш, никоҳдан ажралганлик ҳолатларида далолатнома ёзуви иккинчи нусхага тегишли ўзгартириш киритиш ҳақидаги хабарномаларни ФХДЁ архивига фақат электрон шаклда юбориш тартибини ўрнатиш белгиланди.

ФХДЁ органлари ўртасидаги барча ёзишмалар, жумладан, сўронома ва хабарномаларни электрон шаклда “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш, никоҳга кириш ва никоҳдан ажратиш ҳақида ариза келиб тушганда туман (шаҳар) таҳсил ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиmlарини электрон тизим орқали хабардор қилиш тартибини жорий этиш белгиланди.

ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилган ҳаракатлар ва ундирилган тўловлар бўйича фуқароларга СМС хабар бериш тартибини татбиқ этиш чора-тадбирлари қатъий белгилаб қўйилди.

Мазкур ислохотлар ФХДЁ органлари фаолиятининг янги ташкилий-ҳуқуқий тартиб таомиллари фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбага чиқаришда, уларнинг электрон хизматлардан кенг фойдаланишини рағбатлантиришда ва идоралараро интеграцияни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. ФХДЁ органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилиниши халқ манфаатларини ҳар томонлама кафолатлашга хизмат қилади.

Махфуза МИРБАБАЕВА,  
Чилонзор тумани ФХДЁ бўлими  
1-тоифали инспектори

## 64 нафар тиббиёт ходимининг “унутилган” қўшимча тўловлари ундириб берилди

ПАРКЕНТ тумани тиббиёт бирлашмасида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига 64 нафар тиббиёт ходимлари жалб этилган. Аммо уларга тўланиши лозим бўлган жами 147 миллион 326 минг 208 сўмлик 6 фоизли қўшимча тўловлари тўланмаган.

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида карантин муассасаларига жалб қилинган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда қўшимча рағбатлантириш тўловларини ходимларнинг ойлик лавозим масоғига 6 фоиз миқдорда ҳар кунлик тўловларни амалга ошириш бел-

гилаб қўйилган бўлса-да, мазкур Фармон ижроси лозим даражада бажарилмаган ва туман тиббиёт бирлашмасининг 64 нафар ходимига иш ҳақига қўшимча тўловлар ҳамда моддий рағбатлантиришлар тўланмасдан келинган.

Туман адлия бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмаси ходимларининг мурожаати юзасидан ўтказилган ўрганиш натижасида аниқланган ҳолат бўйича туман тиббиёт бирлашмасининг 64 нафар ходими манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Юқоричириқ туманлараро судига даъво аризалари киритилди ва тиббиёт ходимларига 147 миллион 326 минг 208 сўм миқдорда қўшимча тўлов ва моддий рағбатлантиришлар ундириб берилиши таъминланди.

Гулбой РАҲМОНҚУЛОВ,  
Паркент туман адлия бўлими бошлиғи



# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИДА МУАММО БОРМИ?

АДЛИЯ вазирлигига “Call center” орқали электр энергияси учун қилинган тўлов ҳисобга олинмаётганлиги, электр энергиясини узатувчи мосламаларнинг носозлигига оид мурожаатлар келиб тушмоқда. Шу мавзудаги саволларингизга қуйида жавоб олишингиз мумкин.



2018 йил 12 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор асосида электр энергиясидан фойдаланиш тартиби белгиланган.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ҲАҚ ҚАЙСИ МУДДАТГАЧА ТЎЛАНИШИ КЕРАК?

- маиший истеъмолчи ҳар ойнинг 10-санасига қадар электр учун ҳисоб-китоб қилиши шарт;
- агар қарздорлик бартараф этилмаса, истеъмолчи электр тармоғидан узилади.

## ЭЛЕКТРДАН УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДА ҲИСОБ-КИТОБ МАСАЛАСИ

Коммунал хонадонда бир нечта оила яшаганда, ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган электр энергиясини алоҳида оилалар ўртасида тақсимлаш назорат ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

Назорат ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш учун

худудий электр тармоқлари корхонасининг рухсати талаб қилинмайди. Уларнинг тўри ишлашини назорат қилиш, уларнинг кўрсаткичларини ёзиб олиш, электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мажбуриятлари яшовчиларнинг зиммасига юкланади. Умумий фойдаланиладиган жойларда истеъмол қилинган электр энергияси миқдори алоҳида оилалар ўртасида амалда яшовчиларнинг сони бўйича тақсимланади.

Худудий электр тармоқлари корхонаси электр энергиясидан умумий ҳисобга олиш прибори орқали фойдаланувчи фуқаролар билан ҳеч қандай ҳисоб-китобларни амалга оширмайди.

## ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРИГА ЗАРАР ЕТКАЗМАНГ!

Истеъмолчининг айби билан электр энергиясини ҳисобга олиш приборига зарар етказилган, яъни пломбаси бузилган, ойнаси синган ҳолларда, электр энергиясини ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, ҳисобга олиш асбобларининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига ташқаридан таъсир кўрсатилган, электр энергиясини яширин йўл билан ўғирланган ҳолларда, белгиланган шакл бўйича қондан бузиш дало-

латномаси тузилади. Ушбу далолатнома асосида худудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорининг қиймати худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан энергия таъминоти шартномасида кўрсатилган истеъмолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- электр энергиясини ҳисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, ҳисобга олиш асбобларининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига ташқаридан таъсир кўрсатилганда;
- ҳисобга олишни назорат қилиш асбобларидан ташқари электр қабул қилгичлар қўз билан аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан уланганда — электр энергияни ҳисобга олишнинг назорат асбобларини охириги алмаштирилган ёки улаш схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

■ электр энергиясини ҳисобга олиш приборига истеъмолчининг айби билан зарар етказилганда, яъни пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатларда;

■ электр энергиясини айланиб чиқишда қўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошқа усулда ўғирланган тақдирда — охири марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

## ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН УЛАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Истеъмолчилар, шу жумладан, маиший истеъмолчилар электр қурилмаларини худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоқларига ўзбошимчилик билан улаган тақдирда, электр қурилмалари электр тармоғидан дарҳол узиб қўйилади. Истеъмолчидан эса, рухсатсиз истеъмол қилинган электр энергиясининг қиймати истеъмолчи расмий равишда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўтган вақт мобайнида ёки даъво муддати учун электр энергиясини қабул

қилувчи қурилмани уланган қувват бўйича суткасига 24 соат давомида ишлаши ва ўзбошимчилик билан уланган электр тармоғи участкасида йўқотилган қувват ҳисобидан ундирилади.

## ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧИ БУЗИЛГАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб худудий электр тармоқлари корхонасининг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиясининг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак, шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур. Агар, электр энергиясини ҳисобга олиш приборини объектив сабабларга кўра, яъни ўлчаш трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўқлиги ва бошқа ҳолатлар сабабли тиклаб бўлмаса, истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби истеъмолчи ва худудий электр тармоқлари корхонасининг ўзаро келишуви билан белгиланади.

## ЭЪЛОНЛАР

Нурфазил туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 2 августдаги хал йўл қарорига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 07.09.2021 йилдаги 26-Н-ум-сон буйруғига биноан Абдулаллиев Одил Абдулқашшоевичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 21.04.2020 йилда берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беруви TS 0030-сонли лицензиянинг амал қилиши ва нотариаллик мақоми тугатилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 7 сентябрдаги 22/2021-сон йиғилиш баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 27-Н-ум-сон буйруғига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 27.04.2020 йилда ўрнатилган тизимда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус М.Маммировага берилган TS 0085-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 11 сентябрдан 1 ой муддатга тўхтатилди.

Адвокатлар палатаси Қашқадарь вилоят худудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 28 августдаги 7-сон қарорига асосан вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 10 сентябрдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги “Femida Qalqon” адвокатлик фирмаси адвокати Турсунов Муродулла Эргашевичга 2018 йил 28 декабрда бошқарма томонидан берилган KS 000145-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беруви лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми жорий йилнинг 28 август кунидан 3 ой муддатга тўхтатилди.

Қашқадарь вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 10 сентябрдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги “Ҳимоя сўзи” адвокатлар ҳайъати адвокати Бойбиров Абдуҳофиз Ибрагимовичга 2018 йил 28 декабр кунин бошқарма томонидан берилган KS 000006-реестр рақамли адвокатлик фао-

лияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беруви лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми жорий йилнинг 28 август кунидан 3 ой муддатга тўхтатилди.

Қашқадарь вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 10 сентябрдаги буйруғига асосан Шаҳрисабз туманидаги “Биохимон ҳимояси” адвокатлик бюроси адвокати Аққузиева Ойзада Жаҳонировнага бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабр кунин берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беруви KS 000067-реестр рақамли лицензияси ва адвокатлик мақоми тикланди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқармасининг 2021 йил 9 сентябрдаги буйруғига асосан “Truth is power” адвокатлик бюроси

адвокати Мирзаев Мансур Соҳибжоновичнинг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мақтабининг судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура курсига ўқишга қабул қилинганлиги муносабати билан ўқиш даврига унинг адвокатлик мақоми ва адвокатлик гувоҳномасининг (адвокатлик гувоҳномаси №177, 04.02.2021 йил) амал қилиши тўхтатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 187-ум-сон буйруғига асосан талабгор Сулаймонов Топиқон Тулйиновичга малака имтиҳонини топширганлиги сабабли жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беруви лицензия берилди.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 7 сентябрдаги буйруғига асосан

Андижон шаҳридаги “Шуъла плюс имкон” адвокатлик фирмаси адвокати Хушваков Азизжон Назаровичга 2019 йил 1 августда берилган AN 000235 рақамли, “А.С.Ҳуқуқ” адвокатлар ҳайъати адвокати Атахонов Баширжонга 2018 йил 21 декабрда берилган AN 000149 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беруви лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми ўз аризишга кўра тугатилди.

Оқўғорн туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Х.Хатамов 21.08.2021 йилда вафот этганлиги сабабли Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 27.08.2021 йилдаги 24-Н-ум-сон буйруғига асосан Хатамов Хасан Матқомировичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 20.04.2020 йилда берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беруви TS 0003-сонли лицензиянинг амал қилиши ва нотариаллик мақоми тугатилди.

## Инсон ва ҚОНУН

МУАССИСА:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳудудий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган



Бош  
муҳаррир

Қўчқор  
НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Тошқулов Акбар Жўрабоевич
- Рабиёв Шерзод Миржалилович
- Тоқиев Фурқат Шомуродович
- Искандаров Ёрбек Нурбекович
- Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўғамалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Гулбаҳор Ортиқўжаева  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

## Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа иқодий уйида chop этилди.

Тиражи — 4000  
Буюртма — V-4844

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 01:00

## МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишгани нарҳда  
1 2 3 4 5

## Ҳуқуқшунос минбари

ФУҚАРОЛИК ҳуқуқий муносабатларининг энг фаол субъектларидан бири юридик шахслардир. Улар ташкилот сифатида фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари томонидан таъсис этилади. Мустақил мулкига, ўзининг номига, банкда ҳисоб рақамларига, ўзининг бошқариш органларига эга бўлади. Агарда ҳуқуқлари бошқа субъектлар томонидан бузилдиган бўлса, судларга даъво киритиш ҳуқуқига ҳам эга. Улар мамлакат сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутати. Сабаби, улар муҳим ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга ечим топиш, соҳада самарали натижаларга эга бўлиш мақсадида ташкил этилади. Масалан, олий таълим тизимидаги муаммоларни ечиш учун ҳозирда 131 та олий таълим муассасалари юридик шахс сифатида ташкил қилинган.

## ФИЛИАЛ ЮРИДИК ШАХС Ҳисобланадими?



Юридик шахслар фаолият кўрсатиш доирасини кенгайтириш ҳамда бошқариш тизимини энгиллаштириш мақсадида ўз филиалларига эга бўлиши мумкин. Филиаллар ҳам ўз маблагларига, ҳисоб рақамларига эга бўлади. Масалан, "Агро-банк" акциядорлик тижорат банкининг бош офиси юридик шахс сифатида Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса, унинг 170 та туман (шаҳар) филиаллари бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб фаолият кўрсатади.

Умумий тартибда филиал юридик шахс томонидан ташкил қилинишини назарда тутадиган бўлсак, юридик шахс ҳисобланмайди. Чунки у юридик шахснинг барча вазифаларини ёки унинг бир қисmini бажарадиган алоҳида бўлинмасидир. Филиал уни ташкил қилган юридик шахснинг фаолиятга ёрдам берувчи сифатида намоён бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат бошқаруви академиясининг Гулистон, Фарғона, Самарқанд, Қарши ва Урганч шаҳарларидаги худудий филиаллари ташкил этилган. Бу филиаллар Академия фаолиятини жойларда амалга оширишга кўмаклашади. Демак, юридик шахс бирламчи, у томонидан ташкил қилинган филиал иккиламчи характерга эга.

Агар қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган бўлса, филиаллар юридик шахс ҳам бўлишлари мумкин. Масалан, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги" Қонуннинг 9-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотининг филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин.

**Акмалжон ҒУЛОМОВ,**  
Самарқанд давлат университети  
юридик факультети доценти



**ТОШКЕНТ** давлат юридик университети 30 ёшга тўлди. Ўтган 30 йил кўҳна тарих учун бир зумдек ҳисобланса-да, ушбу таълим муассасаси учун, юридик фан ва таълим ҳамда кадрлар тайёрлаш борасида бу вақт яхлит бир ривожланиш даври ҳисобланади, десак муболаға бўлмайди.

Олийгоҳимиз 1991 йилда Ўрта Осиёдаги нуфузли олий таълим муассасаси ҳисобланган Тошкент давлат университети таркибидagi юридик факультети ажралиб чиқиб, мустақил Тошкент давлат юридик институти сифатида ташкил топди. 2013 йилда эса, Президент қарори билан Тошкент давлат юридик университети этиб қайта ташкил этилди. Мазкур воқеа университет учун юридик кадрлар тайёрлаш, ўқув жараёнларини замонавий талабларга мослаш, назарий билимларни амалиёт билан боғлаш, янги авлод дарсликларини яратиш, университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида катта имкониятларни очди.

Олий таълим даргоҳининг мамлакатимизнинг энг нуфузли университетлари қаторидан ўрин олишида, эришган ютуқларида олийгоҳда меҳнат қилган ва ҳозирги даврда ишлаётган устозлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўрни салмоқлидир. Университетнинг бугунги мавқега эришишида, албатта, юридик фаннинг забардаст вакиллари, юридик фанлар докторлари, академиклар Анвар Агзамхўжаев (1991 йили ташкил этилган ТДЮИнинг ташаббускори, биринчи ректори), Шавкат Ўразаев, Ҳожи-акбар Раҳмонкулов, юридик фанлар докторлари, профессорлар Икром Зокиров, Шоакбар Шорахмедов, Зайниддин Исломов, Георгий Саркисянц, Яков Песин, Гофур Абдумажидов ва бошқа юзлаб олимларнинг хизмати беқийс.

Юқорида номлари қайд этилган устозлар орасида Ўзбек ҳуқуқшунослиги тараққиётига, айниқса, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган профессор Зайниддин Исломов ўзига хос ўрин тутати. Устоз агар ҳаёт бўлганларида бу йил 83 ёшга қаршилаган бўлардилар.

Устоз ҳақида гапирганда, Зайниддин Исломов тўғрисида, самимий ва олийжаноб инсон бўлганликларини алоҳида таъкидлаш ўринли. У тажрибали ҳуқуқшунос сифатида ўз фикри, ўз нуқтаи назарини билдира оладиган шахс сифатида ажралиб турарди.

Маълумки, давлат ва ҳуқуқ назарияси бутун юридик фанлар, юридик тафаккур учун асос бўлиб ҳисобланади. Уни "юридик фанларнинг отаси" деб бежиз айтишмайди. Бу фан барча бошқа юридик фанлар ишлатадиган, фойдаланадиган ва таянладиган давлат-ҳуқуқий ҳодисаларга оид энг муҳим ва энг умумий тушунчалар, категориялар, атамалар ҳамда қонуниятларни ўргатади. Шу боис, бу фан

ўринли равишда бошқа юридик фанлар учун фундаментал ва методологик вазифани бажаради. Зайниддин Исломов мазкур фаннинг юрист кадрларни тайёрлашда, уларнинг юридик тафаккурини шакллантиришда алоҳида ўрин тутишини таъкидлашдан чарчамасди. Ёшларга тўғри маслаҳат беради. Базан ҳали унчалик маромига етмаган диссертация муҳокамаларида қатъий фикрларини айтиб, тадқиқотчиға "Сиз кўпроқ китоблар, монографиялар ўқинг, Давлат ва ҳуқуқ назариясини бир қайта ўқиб, мушоҳада қилинг" деб тавсия беради эди.

**Устоз илм-фан ва юридик кадрларни тайёрлашни ташкил этиш ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. 1994-1996 йилларда ТДЮИ илмий ишлар бўйича проректори, 1996-2012 йилларда Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси мудири лавозимларида фаолият олиб борган. Зайниддин Исломов фаолиятида бир томондан, талабчанлик кучли бўлса, иккинчи томондан, ҳамкасблар, ходимлар ва талабаларга нисбатан бағрикенглик муносабатлари жамланган эди.**

Зайниддин Исломов ҳуқуқ назариясини чуқур эгаллаган, унинг замонавий йўналишларини кенг тарғиб қиладиган олим эди. Айниқса, ҳуқуқ назариясидаги энг янги қарашлар жам бўладиган қонунларнинг ҳуқуқий мазмунга эга бўлиши зарурлиги, яъни ҳуқуқий қонунлар, ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш, ҳуқуқ — эркинлик ўлчови каби масалаларни чуқур тушуниб, тарғиб этарди.

Устоз илмий-педагогик фаолияти давомида бир қатор китоблар ёзиб, юридик фан ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Зайниддин Исломов давлат ва ҳуқуқнинг долзарб муаммоларига бағишланган кўпгина илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифидир. Олимнинг "Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар", "Обишество. Государство. Право. (Вопросы теории)", "Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага.", "Конституция ва қонун устуворлиги — қонунийлик ва ҳуқуқ тартибнинг зарур шарт", "Пробле-

ма власти: ее понимание, назначение, социальная ценность", "Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари", "Давлат ва ҳуқуқ назарияси", "Права человека в современной юриспруденции", "Юриспруденция: ўтмиши ва бугуни", "Введение в теорию юриспруденции" каби китоблари аллақачон ўқувчиларини топиб улгурган, бугун ҳам қанчадан-қанча ҳуқуқшунослар учун мактаб вазифини ўтамоқда. Ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчилар ўз илмий ишларида устознинг ушбу китобларидан кўплаб иқтибослар келтириб фикримизнинг далилидир.

Шу ўринда мамлакатимизда "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" фани бўйича монографик тадқиқотлар кўп эмаслигини таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, олимнинг монографик асарлари ўз вақтида ёзилгани, замонавий ҳуқуқшунос кадрлар, олимларни тайёрлашда назарий ва амалий аҳамиятга эгаллигини ҳам айтиб ўтиш ўринли.

Зайниддин Исломов фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Устоз узок йиллар мобайнида бир неча ўнлаб фан докторлари, фан номзодларининг илмий ишларига раҳбарлик қилган фидойи, меҳрибон инсон. Бугунги кунда улар мамлакатимиз олий ўқув юртлири ва юридик амалиётнинг турли жабҳаларида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Олимнинг илмий ва педагогик фаолияти давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилган. Зайниддин Исломов "Шухрат" медали билан тақдирланган. Устоз фаолиятининг энг юқори баҳоси эса, шоғирдларининг, юридик жамоатчиликнинг ҳурмати ва эътирофи ҳисобланади.

Ўзбекистонда юрист кадрлар тайёрлашда асосий ўрин тутадиган Тошкент давлат юридик университети бугунги кунда етакчи замонавий олий таълим муассасаси сифатида фаолият юритмоқда. Университетнинг эришган ва эришяётган ютуқларида ушбу таълим масканда фаолият юритган, бугун ҳам фидойилик билан ишлаётган устозларнинг меҳнати муҳассам. Ёш авлоднинг вазифаси эса, устозлар қолдирган илмий меросни чуқур ўрганиб, уни бугунги замонавий талабларга мос ҳолда давом эттиришдан иборатдир.

**Мавлюда АХМЕДШАЕВА,**  
ТДЮУ Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси профессори, юридик фанлар доктори